



## REQUIREMENTS FOR QUALITY VARIETIES OF BARLEY

Sarmanov Sherzod<sup>1</sup>, Chariev Shakhbos<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Southern Research Institute of Agriculture  
PhD, <sup>2</sup>Researcher

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5500503>

### ARTICLE INFO

Received: 01<sup>st</sup> September 2021  
Accepted: 05<sup>th</sup> September 2021  
Online: 10<sup>th</sup> September 2021

### KEY WORDS

Barley, grain, breeding, varieties, variety, sample, source, quality, protein, nature, productivity, technological, valuable, economic diseases, resistance.

### ABSTRACT

*Lack of quality (beer, pearl barley and other food) varieties of barley. Use of samples from the world collection, selection of local varieties and samples from world collections, and selection of primary sources.*

## СИФАТЛИ АРПАГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

Сарманов Шерзод Шермахматович<sup>1</sup>, Чариев Шахбос Мардонович<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти  
қ.х.ф.ф.д., <sup>2</sup>Тадқиқотчи

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-sentabr 2021  
Ma'qullandi: 05- sentabr 2021  
Chop etildi: 10- sentabr 2021

### KALIT SO'ZLAR

Арпа, дон, селекция, дўрагайлар, нав, намуна, манба, сифат, оқсил, натура, ҳосилдорлик, технологик, қимматли, хўжалик касаллик, чидамлили.

### ANNOTATSIYA

*Сифатли (пиво, перловка ва бошқа озиқ-овқатбон) арпа навларини этишмаслиги жаҳон коллекция намуналаридан фойдаланган холда, маҳаллий нав ва намуналарни жаҳон коллекциялари устида селекция ишлари олиб борилиб бошланғич манбалар ажратиб олиш.*

Ўзбекистон Республикаси ҳудуда  
экиш учун тавсия этилган Давлат

реестирга киритилган барча арпа  
навлари Ўзбекистон селекциясида



яратилган. Шу билан биргаликда биологик имкониятларидан тўлиқ ҳолда фойдаланиш, эрта пишар, шўрга қирғоқчиликка, иссиққа, совуққа, ётиб қолишга, касалликларга чидамли навлар яратиш борасида анча ишлар қилишга тўғри келади.

Мамлакатимиз ғаллакорлари ялпи дон салмоғини ошириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ўтказилаётган илмий изланишлар, илғор хўжаликлар тажрибалари суғориладиган майдонларда ҳосилдорликни 50-60 ц/га, лалми майдонларда эса ҳосилдорликни 35-40 ц/га ва ундан ҳам ошириш имкониятлари мавжудлигини кўрсатмоқда. Аммо, кейинги йилларда суғориладиган ерларда арпа ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 25-30 ц/га, лалми майдонларда 8-10 ц/га дан ошмаётганлиги аниқланди. Етиштирилаётган доннинг сифати эса кўп ҳолларда ем-хашак учун тўғри келаётганлиги, пивобоплик ва озиқ-овқат (перловка, арпа ёрмаси ва бошқалар) махсулотлари ишлаб чиқариш саноатининг талабларига тўлиқ жавоб бермаяпти.

Пивобоп арпанинг сифати андоза кўрсаткичлари намлик 14,0 % дан юқори бўлмаслиги, йириклиги

юқори 80 %, ўртача 70-80% паст 60-70%, унувчанлиги 1-синф 95% дан паст бўлмаган, 2-синф 90% дан паст, экстракт модда 75-82%, ранги оч сариқ ёки сариқ, зараркунандалар билан зарарланмаган бўлиши керак. 1000 дона дон вазни 42-47 г. Натураси 640-680 г/л, оқсил миқдори 11,0% дан кўп бўлмаслиги талаб этилади. Арпанинг пивобоплик сифати экиннинг етиштирилаётган минтақасига қараб ҳар хил бўлиши мумкин.

Шу боисдан, институт тажриба майдонларида ўрганилаётган арпа нав ва намуналарининг саноат талабларига мос келадиган икки қаторли арпа намуналари танлаб олиниб селекция ишлари олиб борилмоқда. Сифат кўрсаткичлари юқори бўлган 57 та намуналар алоҳида кўчатзор этиб, дала шароитида ўсимликлар фенология қилинганда эрта пишар, қурғоқчитликка ва иссиқликка чидамли, ётиб қолишга бардошли ва бошқа кўрсаткичларига қараб танлаш ишлари олиб борилган. Шунингдек, энг асосийси сифат кўрсаткичлари лаборатория шароитида таҳлил қилинган, оқсил, натура, 1000 дона дон вазни ҳамда ҳосилдорлик юқори бўлган 9 та арпа нав ва намуналари танлаб олинган.

## **Арпа нав ва намуналарининг сифат кўрсаткичларини таққослаш.**



Т/ Р	Навлар номи	1000 дон дон вазни, гр				Хосилдорлик, ц/га				Натура, л/гр				Оксил, %			
		2015	2016	2017	Уртача	2015	2016	2017	Уртача	2015	2016	2017	Уртача	2015	2016	2017	Уртача
1	Болгалл ст	39,5	40,9	42,6	<b>41,0</b>	37,8	41,5	39,6	<b>39,6</b>	642,3	640,3	643,0	<b>641,9</b>	14,1	13,9	14,2	<b>14,1</b>
2	НП 4/18	43,4	43,0	44,4	<b>43,6</b>	44,0	43,6	42,2	<b>43,3</b>	672,7	655,0	671,7	<b>666,4</b>	14,3	14,1	13,7	<b>14,0</b>
3	Victoria/M2//4-30...	42,7	43,2	45,6	<b>43,8</b>	42,7	43,4	44,3	<b>43,4</b>	668,7	647,3	682,7	<b>666,2</b>	13,9	14,1	13,7	<b>13,9</b>
4	Ste/AntoresVEA7762-21...	45,7	44,9	47,3	<b>46,0</b>	44,1	46,4	44,9	<b>45,2</b>	683,3	656,0	677,7	<b>672,3</b>	14,4	14,1	13,6	<b>14,0</b>
5	Boxa	46,1	46,1	47,5	<b>46,5</b>	48,1	48,5	46,3	<b>47,6</b>	682,0	681,7	691,7	<b>685,1</b>	12,3	12,4	12,1	<b>12,2</b>
6	Sodik -02	43,6	43,4	44,3	<b>43,8</b>	42,8	42,4	42,5	<b>42,6</b>	680,7	641,3	671,7	<b>664,6</b>	13,8	13,8	14,0	<b>13,9</b>
7	Ar/2011	45,9	45,3	48,1	<b>46,4</b>	46,2	48,0	45,9	<b>46,7</b>	669,7	684,3	691,3	<b>681,8</b>	12,7	12,4	12,4	<b>12,5</b>
8	Ardak/3/Alpha/Duma//CWB117-	42,5	43,6	44,3	<b>43,5</b>	44,5	43,2	42,5	<b>43,4</b>	663,7	642,0	682,3	<b>662,7</b>	13,9	14,1	14,0	<b>14,0</b>
9	Vicont/3/Roho/Mazurka//ICB-103	43,3	43,8	45,1	<b>44,1</b>	43,6	44,8	44,0	<b>44,1</b>	671,0	660,7	674,0	<b>668,6</b>	13,9	13,6	13,3	<b>13,6</b>
	Мин	39,5	40,9	42,6	41,0	37,8	41,5	39,6	39,6	642	640	643	642	12,3	12,4	12,1	12,2
	Мах	46,1	46,1	48,1	46,5	48,1	48,5	46,3	47,6	683	684	692	685	14,4	14,1	14,2	14,1
	ЭКФ%	1,60	1,15	1,40	1,36	2,17	1,91	1,61	1,81	9,61	12,79	11,20	9,53	0,56	0,55	0,57	0,54

Сифатли (пиво, пириловка ва бошқа озиқ-овқатбop) арпа навларини етишмаслиги жаҳон коллекция намуналаридан фойдаланган холда, махаллий нав ва намуналарни жаҳон коллекциялари устида селекция ишлари олиб борилиб бошланғич манбалар ажратиб олиш.

Арпанинг коллекция намуналари, дўрагайлар ва уларнинг ота-оналик шакллари ўртасидаги эртапишарлик белгиси билан морфо-биологик, қимматли-хўжалик ҳамда ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига, касалликларга чидамлик белгилари ўртасидаги ўзаро узвий боғлиқликлари аниқланди.

Хозирги кунда Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти коллекция кўчатзорларида экилган арпа навлари ўсимликларининг ётиб қолишга, касаллик ва зараркунандаларга чидамлиги, хосилдорлиги ва биометрик

(ўсимликлар ташқи кўриниши, донининг йириклиги, бошоқ узунлиги ва бошқа) кўрсаткичлари атрофлича баҳоланиб, арпа навларини янгидан яратиш мақсадида чатиштириш ва танлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Арпа навларини янгидан яратиш мақсадида институт тажриба майдонларида хозирги кунга қадар 1500 га яқин дўрагай намуналар олинган.

Олинган натижаларга кўра, дўрагайларнинг табиий иқлим шароитнинг ҳар хил абиотик ва биотик омилларнинг ноқулай шароитларига бардошли бўлган намуналар устида танлаш ишлари олиб борилмоқда.

Шу боисдан, F-2 ва F-4 дўрагайлардан танланган намуналар лаборатория шароитларида физиологияси ўрганилиб, ўсимлик бўйи, бошоқ узунлиги, бошоқдаги донлар сони ҳамда бошоқчалар зичлиги таҳлил қилинди. Бундан ташқари, арпа донининг сифат



кўрсатгичлари озиқ-овқатбоплиги юқори бўлишини эътиборга олишлиги аниқланди.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, маҳаллий ва халқаро арпа намуналари билан чатиштирилганда сифат кўрсатгичлари юқори эканлиги аниқланди.

#### ХУЛОСАЛАР

Арпани жойлаштиришда унинг буғдойга нисбатан бир мунча совуққа чидамсизлиги, иссиққа талабчанлиги, жанубий минтақаларда ҳосил сифати

юқори бўлишини эътиборга олишлиги аниқланди.

Арпанинг сифат кўрсатгичини яхшилашда маҳаллий шароитда яратилган навлар ва хориждан келтирилган намуналар ўртасида чатиштириш ишлари олиб борилганда, саноат (ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш) талабларига мос эканлиги аниқланди.

Арпа ўсимлигининг ўсимлик бўйи ўрта бўйли бўлиб, биринчи бўғин оралиғи қисқа бўлган ўсимликлар ётиб қолишга чидамли эканлигини аниқланди.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. А.Аманов, З.Зиядуллаев, О.Аманов, Ғ.Узақов, А.Абдуазимов. Кузги бошоқли дон экинлари уруғларини сифатли тайёрлаш, экиш ҳамда кузги парваришlash бўйича тавсиянома. “Насаф” нашриёти. Қарши – 2014 й.
2. О.Аманов, Т.Хожақулов Суғориладиган ерларда арпа етиштириш бўйича тавсиянома. Қарши “Насаф” нашриёти. 2015 й.
3. Д.Абдукаримов. “Донли экинлар селекцияси ва уруғчилиги”. Тошкент 2015 й.
4. Ф.М.Пруцков, Б.Д.Крючев Растениеводство с основами семеноводства. Москва - 1984.